

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МАДЕНОВ БЕРДИМУРАТ ДАУЛЕТМУРАТОВИЧ

**НООРГАНИК ҚЎШИМЧАЛАР ТУТГАН ТЕРМИК БАРҚАРОР
АММОНИЙ СЕЛИТРАСИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Маденов Бердимурат Даулетмуратович

Ноорганик кўшимчалар тутган термик барқарор аммоний селитрасини олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Маденов Бердимурат Даулетмуратович

Разработка технологии получения термостабильной аммиачной селитры с неорганическими добавками..... 23

Madenov Berdimurat Dauletmuratovich

Development to technologies of the reception of the termal stable ammonium nitrate with inorganic additive..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ**

DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МАДЕНОВ БЕРДИМУРАТ ДАУЛЕТМУРАТОВИЧ

**НООРГАНИК ҚЎШИМЧАЛАР ТУТГАН ТЕРМИК БАРҚАРОР
АММОНИЙ СЕЛИТРАСИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/T169 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намазов Шафоат Саттарович
техника фанлари доктори, профессор,
академик

Расмий опонентлар:

Эркаев Ақтам Улашевич
техника фанлари доктори, профессор

Таджиев Сайфитдин Мухитдинович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Навоний кончилиқ институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «27» декабрь 2018 йил соат «10⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (31 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2018 йил «14» декабрь кuni тарқатилди.
(2018 йил «14» декабрь даги 31 рақамли реестр баённомаси).



Б. С. Закиров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, т.ф.д.

Абдурахимов С.А.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Аммиакли селитра (АС) дунёдаги энг кўп тоннажли азотли ўғит ҳисобланади. Унинг жаҳон миқёсидаги ишлаб чиқариши 43 млн. тоннадан ошади. У қишлоқ хўжалигида ҳар қандай турдаги тўпроқ ва барча қишлоқ хўжалиги экинларига қўлланилади. Ҳозирги вақтда асосий вазифа АС нинг истъемол хоссаларини яхшилаш ҳисобланади. Бунинг учун бутун дунёда селитранинг доналар мустаҳкамлигини оширувчи, ёпишқоқлигини камайтирувчи ва термик барқарорлигини яхшиловчи юқори самарали кўшимчалар танлаш буйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда аммиакли селитра асосида ташқи таъсирларга анча барқарор, ва мос равишда пасайтирилган детонацион хоссаларга, шу билан биргаликда агрокимёвий самарадорлигини сақлаган янги турдаги ўғитлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришда бир қатор муҳим таклифларни асослаш: энг кам ғовоқлик ва ички юза, мўътадил епишқоқликга эга максимал мустаҳкам доналарни олиш; ундан ташқари аммоний нитрати полиморф ўзгаришларига ижобий таъсир кўрсатувчи ва унинг парчаланиш ҳароратини оширишга имкон берадиган ноорганик кўшимчалар топиш; аммоний нитрати суюқланмасига ноорганик бирикмалар оптимал миқдорини кўшиш, кейинчалик сепиш усулида донадорлаш йўли билан термик барқарор АС технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда маҳаллий хом ашё материалларини қайта ишлаш асосида амалга оширилаётган кенг чоралар натижасида «Navoiyazot», «Fargonaazot» ва «Махам-Chirchiq» акционерлик жамиятларида фосфатлаштирилган, бентонитли ва оҳакли аммиакли селитра ишлаб чиқариш буйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни ривожлантириш, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш...»¹ вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан яхшиланган товар ва агрокимёвий хоссаларга эга термик барқарор АС ишлаб чиқариш муаммосини ечишда фосфорли кўшимчалар ва агрономик рудалар – фосфорит, глауконит ва бентонитларни фойдаланиш орқали модификацияланган АС олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236 сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур соҳада қабул

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарор АС ишлаб чиқариш буйича катта илмий ва амалий тажрибалар тўпланган. Кўрсатилган хоссаларни таъминловчи юзлаб қўшимчалар таклиф этилган. Ёпишқоқликни бартараф қилиш учун кам миқдорда аммоний сульфати, унинг аммоний ортофосфати билан бирикмаси, фосфат-сульфат-боратли қўшимча, доломит, каустик магнезит, бентонитли кукун қўлланилади (Олевский В.М., Иванов М.Е., Цеханская Ю.В., Vincent J.Russo, Фридман С.Д.). Селитрага энг яхши қўшимча магнезит ҳисобланади.

АС нинг портловчилик ҳавфлилиги муаммоси унинг ёпишқоқлик муаммосидан ўта жиддийдир. АС суёқланмасига доломит ёки бўр киритиш йўли билан оҳакли-аммиакли селитра ишлаб чиқариши анча кенг тарқалган Коłaczkowski А., Biskupski А., Долгов В.В., Таран А.Л., Жмай Л.А.). Аммо у нордон тупроқларда самаралидир. Энг яхши натижалар фосфорли қўшимчалар қўлланилганда эришилган. Россиянинг Кемерова «Азот», Кирово-Чепецк химкомбинати, «Минудобрения», «Акрон» АЖ лар экстракцион фосфор кислотаси, ушбу кислотадан олинган моноаммонийфосфат эритмаси, азофоска ишлаб чиқариши азот-фосфоркислотали экстрактини қўшиш орқали стабиллашган АС ишлаб чиқариши бошланган. Бунда рўй берадиган қийинчиликлар: фосфор кислотаси фторидан коррозия ва Fe, Al, Mg, Ca тузлари билан қурилмаларнинг тикилиб қолиши ҳисобланади. Шу туфайли АС ни стабиллашга мос фосфорли материалларни қидириш давом этмоқда.

«Navoiyazot» АЖ 2009 йилдан АС суёқланмасини сепиш усулида донадорлашдан олдин Қизилқум фосфорит унини киритиш йўли билан фосфатлаштирилган АС (АФЎ) ишлаб чиқаришини ўзлаштирди (Намазов Ш.С., Беглов Б.М., Реймов А.М., Курбаниязов Р.К.). Бунда фосфатли компонент кислотани нейтраллаш, селитра эритмасини бўғлатиш ва сувни йўқотиш босқичларини четлаб ўтади ва тузлар чўкиши ва иссиқлик алмаштиргич юзалари қопланиши содир бўлмайди. АФЎ ишлаб чиқариши учун фосфат базасини кейгайтириш мақсадида кўмли типдаги маҳаллий Қорақалпоқ желвакли фосфоритларни ҳам жалб қилиш лозим. Азотфосфорли ўғитлар олиш борасида қишлоқ хўжалигида фосфорли ўғитлар сифатида кенг қўлланиладиган фосфатли тузлар: моно-, ди-, трикальцийфосфатлар ва аммофосни ишлатиш яна ҳам истиқболли саналади. Шу сабабли термик барқарор ва юқори агрокимёвий самарадорликга эга фосфатлаштирилган АС нинг илмий асосларини ва технологиясини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А-12Т087 рақамли «Азотли тузлар ва Қорақалпоғистон глауконитлари асосида комплекс минерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш» (2014-2016 йй.) бўйича амалий лойиҳа ва №13-17 рақамли «Аммиакли селитра суюқланмаси ва бентонит гиллари асосида ёпишқоқлиги бўлмаган аммиакли селитра олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва тажриба-саноат синовларини ўтказиш» (2013-2014 гг.) хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аммоний нитрати селитра суюқланмасига турли ноорганик қўшимчалар қўшиш асосида термик барқарор аммиакли селитра олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоқ агрономик рудаларнинг (желвакли фосфорит, бентонит ва глауконитлар) таркиб ва физик-механик хоссаларини аниқлаш;

компонентларнинг оғирлик нисбатларига боғлиқ равишда NH_4NO_3 суюқланмаси ва кукунсимон кальций фосфатлари, аммофос, яна Қорақалпоқ рудалари асосида модификацияланган АС олиш жараёнини ўрганиш;

компонентлар оғирлик нисбатлари ва ҳароратга боғлиқ равишда фосфат-нитратли, глауконит- ва бентонит-нитратли суюқланмаларнинг реологик хоссаларини тадқиқ этиш;

NH_4NO_3 суюқланмаси ва турли ноорганик қўшимчалар асосида олинган термик барқарор АС нинг таркиб ва хоссаларини аниқлаш. Термик барқарор АС доналарининг морфологияси ва тузилишини ўрганиш;

25-175-25°C (қиздириш-совитиш) ҳароратнинг циклик ўзгаришида термик барқарор АС нинг полиморф ўзгаришларини ўрганиш. Мурракаб ўғитлар таркибидаги NH_4NO_3 нинг термик парчаланиш ҳароратини аниқлаш;

«Navoiyazot» АЖ да фосфатлаштирилган АС технологиясининг тажриба-саноат синовларини ўтказиш. Янги турдаги маҳсулотга технологик тизим ва меъёрий-техник ҳужжатини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти NH_4NO_3 суюқланмаси, кукунсимон кальций фосфатлари, аммофос, Қорақалпоқ фосфорит, бентонит ва глауконитлари, модификацияланган АС суюқланмаси, термик барқарор АС ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети NH_4NO_3 суюқланмаси ва ноорганик қўшимчаларни (кальций фосфатлари, аммофос, фосфорит, бентонит ва глауконитлар) аралаштириш асосида аралашмалар суюқланмасини сепиш орқали термик барқарор АС жараёнини, ундан ташқари маҳсулотларнинг физик-кимёвий, товар ва термик хоссаларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, физик-механик, рентгенографик, микроскопик ва термик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

АС суюқланмасига фосфатли тузларни қўшиш йўли билан энг кам ғовоқлик ва ички юза, сезиларли даражада кам детонацион қобилятга эга концентрланган азот-фосфорли ўғитлар олиш усули ишлаб чиқилган;

монокальцийфосфат фосфорининг 175°C да сувда эрувчан шаклдан полиморф шаклга қисман ўтиши, ундан ташқари NH_4NO_3 нинг ди- ва

трикальцийфосфат билан эрувчан кальций нитрати ва фосфатларини ҳосил қилиш орқали ўзаро таъсирлашув реакцияси бориши аниқланган;

фосфат тузлари ва кремнийли минералларнинг АС доналар мустаҳкамлигини ошириш ва ёпишқоқлигини камайтиришига таъсири аниқланиб, кристалланиш марказлари ҳосил қилган ҳолда уларнинг NH_4NO_3 кристаллари ўлчамини кичирайтириши, шу орқали доналарнинг такомиллашган тузилишини ҳосил қилиши исботланган;

юқори ҳароратларда NH_4NO_3 ўзининг нордон хоссаси эвазига фосфат хом ашёсини фаоллаштириш механизми, яъни ундаги P_2O_5 ва кальцийни ўзлашмайдиган шаклдан ўзлашадиган шаклга ўтиши исботланган;

III→IV фаза ўтишини четлаган ҳолда тўғридан-тўғри II→IV полиморф фазага ўтиш мавжудлиги аниқланиб, бу доналарнинг кристалл панжараси кам деформациясини ва сферик шакл турғунлигини таъминлаши исботланган;

фосфатли кўшимчаларнинг NH_4NO_3 детонацион хоссасини бартараф қилиши ва унинг структура бузилиш ҳароратини 211 дан 272°C гача оширган ҳолда ингибитирловчи таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

доналаштиргич олдидан аралаштиргичда селитра суюқланмасини фосфатли компонентлар – фосфатли тузлар ёки желвакли фосфорит уни билан аралаштириш йўли билан фосфатлаштирилган селитра олиш технологияси ишлаб чиқилган;

АФУ-М (азотфосфорли ўғит-модификацияланган) нинг асосий технологик кўрсаткичларни аниқлаш орқали термик барқарор фосфатлаштирилган селитра ишлаб чиқилган;

доналаштирилган АФУ-М яхши физик-кимёвий ва товар хоссаларга эга бўлиб ва сифат кўрсаткичлари бўйича қишлоқ хўжалиги талабларига жавоб бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий (рентгенографик, электрон микроскопик, термик) таҳлил натижалари тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар NH_4NO_3 суюқланмаси ва фосфатли кўшимчалар асосида янги турдаги яхшиланган хоссали модификацияланган азотфосфорли ўғитлар яратиш учун илмий асос солди. Катта илмий аҳамияти шундан иборатки, физик-кимёвий таҳлил усулларини қўллаш орқали кўшимчалар билан бирлаштирилганда NH_4NO_3 нинг парчаланиш ҳарорати оширилиши сабаблари билан изоҳлаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти селитра суюқланмасига фосфорит уни ёки аммофосни киритиш, кейинчалик фосфат-нитратли суюқланмаларни донадорлаш минорасида донадорлаб фосфатлаштирилган селитра технологияси ишлаб чиқилган. Маҳаллий хом ашёни қайта ишлашнинг инновацион технологияларини жорий қилиш йўли билан бир вақтнинг ўзида АС нинг асосий физик хоссаларини яхшилаш орқали ишлаб

чикилаётган комплекс ўғитлар ассортиментини кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аммоний нитрати суюқланмаси, фосфатли тузлар ва Қорақалпоқ агрорудалари асосида термик барқарор селитра олиш технологиясини ишлаб чиқиш буйича олинган илмий натижалар асосида:

АФУ-М (азотфосфорли ўғит-модификацияланган) га техник шарт Навоий стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан тасдиқланган (TSh 00203849-117:2015). Мазкур техник шарт сувда эрувчан фосфорли қўшимчали маҳсулотнинг сифатини ва технологик жараёни назорат қилишга имкон беради;

аммоний нитрати суюқланмаси ва Қорақалпоқ фосфорит уни асосида азотфосфорли ўғит олиш технологияси «Navoiyazot» АЖ нинг 2019-2021 йиллардаги истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Navoiyazot» АЖ нинг 09 ноябр 2018 йилдаги 03/11624-сон маълумотномаси). Натижада янги турдаги азотфосфорли ўғит олиш баробарида аммоний нитратининг термик барқарорлиги таъминланишига имконият яратилган;

аммофос ёрдамида фосфатлаштирилган селитра олиш технологияси «Navoiyazot» АЖ да жорий қилинган («Navoiyazot» АЖ нинг 09 ноябр 2018 йилдаги 03/11624-сон маълумотномаси). Натижада 275 тонна АФУ-М ўғити ишлаб чиқарилган ва уни қишлоқ хўжалиги пахта майдонларида қўллаш орқали ҳосилни стандарт ўғит ($N_{200}P_{140}K_{60}$) вариантыга солиштирганда 1,4-3,07% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси буйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан 16 та мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 124 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши буйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «Аммиакли селитра: олиниси, хоссаси ва уни модификациялаш йўллари» ҳисобланган адабиётлар шарҳида АС таркибига турли хил: эркин сувни боғлаш, полиморф ўзгаришлар жараёнига таъсир этувчи, кристалланиш марказларини ҳосил қилувчи қўшимчалар, доналарни пуркаш ва сирт-фаол моддалар билан ишлов бериш йўли билан ёпишқоқликни бартараф қилишнинг бир қатор усуллари кўриб чиқилган.

АС нинг термик барқарорлигини оширувчи қўшимча сифатида нооорганик моддалар: карбонатли минераллар, калийли моддалар, катион – аммоний тутувчи: аммоний сульфати, аммоний фосфатлари ва бошқа балласт моддалар тавсия этилган. Биринчи навбатда фосфатли қўшимчалар ўзини яхши томондан кўрсатган. Маълумотлар таҳлили, ҳар хил кондицион қўшимчалар афзаллик ва камчиликларини ўрганган ҳолда тадқиқотлар учун моно-, ди- ва трикальцийфосфатлар, аммофос, ундан ташқари Қорақалпоқ агрономик рудалари: фосфорит, бентонит ва глауконитлар танланди.

Диссертациянинг иккинчи бобида «Термик барқарор селитра олишда қўлланилган қўшимчаларнинг тавсифлари ва тадқиқотнинг физик-кимёвий усуллари» селитрага модификацияловчи қўшимчалар сифатида қўлланилган дастлабки материалларнинг кимёвий, дисперс ва минералогик таркиби, физик-механик хоссалари, дастлабки хом ашё ва маҳсулотларни кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил ўтказиш услублари келтирилган. Модификацияланган селитра намуналарини олиш учун асосий компонент сифатида «тоза» маркали NH_4NO_3 ва саноат маҳсулоти («Махам-Chirchiq» АЖ) – 34,6% N ва 0,28% MgO тутган Б маркали АС хизмат қилди.

Кристаллик монокальцийфосфат ва кукунсимон ди- ва трикальцийфосфат кимёвий таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Кальций фосфатларнинг кимёвий таркиби

«Тоза» маркали тузлар	$\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$, %	$\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл. лим.}}$ к-таси, %	$\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл.}}$ тр. Б. %	$\text{P}_2\text{O}_{5\text{сув.эрув}}$ %	$\text{CaO}_{\text{умум.}}$ %	$\text{CaO}_{\text{ўзл.}}$ %
$\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$	55,75	55,48	54,76	54,39	22,16	21,82
CaHPO_4	51,03	49,43	47,54	Қолдиқ	40,04	37,51
$\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$	45,3	36,75	28,95	Қолдиқ	53,46	39,45

Монокальцийфосфат қишлоқ хўжалигида оддий ва қўш суперфосфат, дикальцийфосфат – преципитат, трикальцийфосфат – суяк уни ёки фаоллаштирилган фосфорит уни кўринишида қўлланилади.

«Amtofос-Махам» АЖ маҳсулоти – донадорланган аммофос (оғир.%): $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$ – 45,51; $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл.}}$ – 44,25; $\text{P}_2\text{O}_{5\text{сув.эрув.}}$ – 41,82; SO_3 – 6,02; CaO – 0,58; MgO – 1,29; Fe_2O_3 – 1,15; Al_2O_3 – 1,44; N – 11,2. Уларни АС суюқланмасига қўшишдан олдин заррачалари 0,25 мм ўлчамгача майдаланди.

Селитрага модификатор-қўшимчалар сифатида заррачалари 0,25 мм ўлчамгача майдаланган Қорақалпоқ желвакли фосфорит, бентонит ва глауконити ҳам танланди, уларнинг таркиби 2 ва 3 жадвалларда келтирилган.

Желвакли фосфоритнинг минераллари курсит (фторкарбонатапатит), кальцит, доломит, кварц ва кальций фториди ҳисобланади. Бентонит

монтмориллонит, каолинит, польгорскит, гидрослюда ва хлоритдан ташкил топган. Глауконит эса глауконитли кум, кварц, дала шпати, темир гидроокиси, гипс, слюда ва кам миқдордаги кальцитдан ташкил топган.

2-жадвал

Қорақалпоқ конлари фосфорит намуналари кимёвий таркиби

Фосфат хомашёси кони	Компонентлар миқдори, оғир. %						P_2O_5 ўзл.	P_2O_5 ўзл.	CaO ўзл.
	P_2O_5 умум	CaO умум	CO_2	SiO_2	Fe_2O_3	Al_2O_3	P_2O_5 умум лим. к-та, %	P_2O_5 умум тр. Б, %	CaO умум лим. к-та, %
Ходжакуль	19,05	39,19	3,92	30,88	2,01	3,18	38,90	31,65	2,05
Ходжейли	16,48	33,39	3,84	28,04	3,26	5,09	39,99	35,50	2,43
Назархан	11,93	26,12	4,90	37,38	5,03	2,47	40,23	35,79	3,37
Чукай-тукай	6,58	25,88	5,86	41,12	3,96	3,49	37,84	33,59	5,75

3-жадвал

Қорақалпоқ конлари бентонит ва глауконитлар кимёвий таркиби

Агрорудалар кони	Компонентлар миқдори, оғир. %									
	SiO_2	TiO_2	Al_2O_3	Fe_2O_3	MgO	MnO	CaO	Na_2O	K_2O	кпй
Бештүбе бентонити	64,9	0,77	15,63	4,55	0,91	0,01	0,98	2,09	2,78	7,76
Крантау бентонити	67,34	0,46	10,97	7,75	1,51	0,07	1,54	0,44	2,63	6,44
Ходжакуль	53,57	0,67	15,11	8,57	3,33	0,09	0,84	6,74	2,41	3,75

Фосфоритларни технологик ўзлаштириш нуқтаи назардан Ходжакул, Ходжейли ва Назархан конлари энг қўлайидир. Желвакли фосфоритларнинг бошқа типдаги фосфат хом ашёлардан фарқи шундаки, унда фосфат минерал курсит билан намоён бўлган. Курситда 20-25% фосфор углерод билан ўрин алмашган, натижада ундаги P_2O_5 нинг назарий миқдори 33-33,5% ни ташкил этади. Бунинг эвазига P_2O_5 ўзлашувчан шакли нисбий миқдори, масалан Қоратоғ ёки, апатит рудалардан анчагина кўпдир.

Учинчи бобда «Аммоний нитрати суюқланмаси, фосфатли тузлар ва желвакли фосфоритлар асосида фосфатлаштирилган селитра» 175°C да NH_4NO_3 суюқланмасига кукунсимон фосфатли тузлар: моно-, ди- ва трикальцийфосфатлар, аммофос, ундан ташқари желвакли фосфоритларни компонентларнинг кенг интервал оғирлик нисбатларда қўшиш, кейинчалик аралашмани сепиш усулида донадорлаб термик барқарор АС намуналарнинг таркиб ва хоссалари ўрганилди. 4-жадвалда кальций фосфатлари ёрдамида фосфатлашган селитранинг таркиби ва доналар мустаҳкамлиги келтирилган.

Натижалар кўрсатдики, агарда саноат АС доналари мустаҳкамлиги 1,6 МПа ни ташкил қилса, АС : МКФ = 100 : 13,1 да бу кўрсаткич 4,1 МПа гача, 100 : 22,9 да 5,39 МПа гача, 100 : 30 да 6,35 МПа гача, 100 : 40,8 да 7,37 МПа гача, 100 : 50 да эса 8,06 МПа гача ортади. Доналарда энг юкори самарали мустаҳкамлик – 8,91 МПа АС : МКФ = 100 : 60,5 да эришилади. МКФ қўшимчасидан фарқли улароқ ДКФ қўлланилганда анча мустаҳкам доналар олинади. Масалан, АС : ДКФ = 100 : 13,5 да доналар мустаҳкамлиги 6,08 МПа, 100 : 22,5 – 7,56 МПа, 100: 30,2 – 9,11 МПа, 100:51,5 да эса 10,17 МПа ни ташкил этади. Селитра суюқланмасида ТКФ улушининг 100 : 3,4 дан 100 : 49,5 гача ошишида доналар мустаҳкамлиги 3,73 дан 10,11 МПа гача ортади.

Бунинг барчаси ўғитнинг детонацияга мойиллигини камайганидан далолат беради, бу кристалларнинг зич жойлашувини таъминловчи ўлчамлар кичирайиши, аралашмада фосфатлар ҳисобига АС нинг бир хиллик хосса ва детонацион тўлқиннинг тарқалиш зонаси тўхтатилиши билан изоҳланади.

4-жадвал

Аммиакли селитра суюқланмасига кальций фосфатларни киритиш орқали олинган азотфосфорли ўғитлар таркиби

АС : Кальций фосфатлари оғирлик нисбати	N, %	P ₂ O ₅ умум., %	СаО _{умум.} , %	P ₂ O ₅ ўзл.	P ₂ O ₅ ўзл.	P ₂ O ₅ сув.эрув	СаОўзл.	Доналар мустаҳкамлиги, МПа
				P ₂ O ₅ умум. 2% лим. к-та, %	P ₂ O ₅ умум. 0,2 М тр. Б, %	P ₂ O ₅ умум. %	СаО _{умум.} 2 % лим. к-та, %	
монокальцийфосфат кўшимчаси билан								
100 : 3	33,47	1,67	0,66	99,40	98,20	88,62	96,97	2,80
100 : 13,1	30,54	6,49	2,61	98,61	96,30	83,05	95,79	4,10
100 : 22,9	28,25	10,51	4,15	97,62	94,01	78,21	94,7	5,39
100 : 30	26,73	13,08	5,21	95,64	92,81	75,08	92,9	6,35
100 : 40,8	24,84	16,39	6,73	95,06	91,76	72,73.	91,38	7,37
100 : 50	23,22	18,92	7,66	94,50	90,86	71,46	90,08	8,06
100 : 60,5	21,58	21,46	8,67	93,76	90,45	71,25	90,2	8,91
дикальцийфосфат кўшимчаси билан								
100 : 2,5	33,60	1,33	0,98	99,25	97,74	10,53	95,92	3,19
100 : 13,5	30,22	5,97	4,80	97,99	95,81	3,69	94,38	6,08
100 : 22,5	28,09	9,32	7,30	97,53	94,96	2,68	93,84	7,56
100 : 30,2	26,31	11,78	9,22	97,28	94,40	2,55	93,71	9,11
100 : 38	24,95	14,05	11,33	97,08	93,88	2,42	93,65	9,63
100:51,5	22,58	17,52	13,65	96,92	93,78	2,28	93,63	10,17
трикальцийфосфат кўшимчаси билан								
100: 2,25	33,58	1,05	1,15	97,14	94,29	24,76	86,06	3,08
100 : 12,4	30,42	5,00	5,94	91,60	88,40	21,20	81,65	6,31
100 : 22,7	27,84	8,14	9,96	88,08	83,17	19,41	78,31	7,61
100 : 36	25,19	11,91	14,23	86,48	80,10	16,12	76,95	9,03
100 : 40,3	24,50	12,89	15,29	84,87	79,52	15,59	75,93	9,52
100 : 49,5	22,81	14,83	17,79	82,20	78,29	14,70	74,37	10,11

4-жадвал маълумотлари, АС : МКФ = 100: (3 ÷ 60,5) да (оғир.%): 21,58-33,07 N, 1,67-21,46 P₂O₅ ва 0,66-8,67 СаО таркибдаги концентранган азотфосфорли ўғитлар олиш мумкинлигини кўрсатди. Бунда ўғитларда N : P₂O₅ нисбати 1:0,05-1:1 оралиғида ўзгаради. Ушбу маркадаги ўғитларда P₂O₅ ўзлашувчан шакли нисбий миқдорининг умумий шаклига нисбати 93,76 дан 99,40% гача ўзгаради. Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, маҳсулотларда кальций ўсимликлар учун ўзлашувчан шаклда бўлади.

Эътиборга тортадигани шуки, АС : МКФ = 100 : 60,5 да P₂O₅ сувда эрувчан шаклининг нисбий миқдори монокальцийфосфатдаги 97,56% дан маҳсулотдаги 71,25% гача пасаяди. Бу МКФ нинг NH₄NO₃ суюқланмаси билан 175°C да аралашинида унинг қисман дегидратацияси содир бўлишини англатади. Яъни фосфор бир қисми қўйидаги тизимда сувда эрувчан шаклдан конденсирланган пироформага ўтади: Ca(H₂PO₄)₂·H₂O $\xrightarrow{142^{\circ}\text{C}}$ Ca(H₂PO₄)₂+H₂O $\xrightarrow{175^{\circ}\text{C}}$ CaH₂P₂O₇+H₂O $\xrightarrow{238^{\circ}\text{C}}$ Ca₂H₂P₄O₁₃+ H₂O $\xrightarrow{259^{\circ}\text{C}}$ Ca(PO₃)₂+H₂O

АС : ДКФ нинг ўрганилган нисбатларида маҳсулотларда 22,58 дан 33,60% гача N, 1,33 дан 17,52% гача $P_2O_{5\text{умум}}$, 0,98 дан 13,65% гача $CaO_{\text{умум}}$ бўлади. Бунда лимон кислотаси ва трилон Б буйича P_2O_5 ўзлашувчан шаклларининг нисбий миқдори мос равишда 96,92-99,25% ва 93,78-97,74% бўлади. Ўғитларда фосфорнинг сувда эрувчан шакллари пайдо бўлади ($P_2O_{5\text{сув.эрув.}}:P_2O_{5\text{умум}} = 2,28-10,53\%$), бу 175°C да қўйидаги реакция кетишидан далолат беради: $2NH_4NO_3 + CaHPO_4 \longrightarrow Ca(NO_3)_2 + (NH_4)_2HPO_4$

АС : ТКФ барча нисбатларида 22,81-33,58% азот, 1,05-14,83% P_2O_5 ва 1,15-17,79% CaO таркибдаги концентрланган азотфосфорли ўғитлар олинади. Кўрсатдики, АС суюқланмаси 175°C да трикальцийфосфатни фаоллаштиради, яъни унинг тузилишини бузади ва шу орқали унинг P_2O_5 ини ўзлашмайдиган шаклдан ўзлашадиган шаклга ўтказди. Агарда дастлабки ТКФ да трилон Б буйича $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ нинг нисбий миқдори 63,91% ни ташкил этса, 5 %-ли P_2O_5 қўшилганда бу кўрсаткич 88,80%, 1,05 %-ли P_2O_5 қўшилганда 94,29% гача ортади. Таъкидлаш лозимки, маҳсулотларда P_2O_5 нинг сувда эрувчан шакли ҳам кузатилади. Унинг нисбий миқдори умумий P_2O_5 шаклига нисбати 14,70-24,76% оралиғида ётади. Бу қўйидаги реакция кетишидан далолат беради:



Ушбу турдаги барча ўғитлар ўзининг таркиби, агрохимёвий ва физик-химёвий хоссалари жиҳатидан тоза АС дан сезиларли устунлик қилади.

Ўрганилган АС : Кальций фосфат нисбати ва 175°C ҳароратда қўшимчали АС суюқланмасининг зичлик ва қовушқоқликлари МКФ да (1,513 дан 1,647 г/см^3 ва 7,23 дан 19,97 сПз гача), ДКФ да (1,536 дан 1,695 г/см^3 ва 5,96 дан 29,18 сПз гача) ва ТКФ да (1,527 дан 1,681 г/см^3 ва 5,48 дан 34,6 сПз гача) узатиш ва сепиш усулида дондорлаш учун тўла яроқлидир.

Ишнинг кейинги босқичида NH_4NO_3 суюқланмаси ва аммофос, NH_4NO_3 суюқланмаси ва Қорақалпоқ желвакли фосфоритлари асосида фосфатлаштирилган селитра намуналари олинди. 5-жадвалдан кўринмоқдаки, АС : Аммофос = 100 : (5-35) да таркиби 28,01-33,31% азот ва 2,33-12,08% P_2O_5 бўлган концентрланган азотфосфорли ўғитлар олинади. Аммофосли қўшимчанинг миқдори тайёр маҳсулотдаги P_2O_5 нинг ўзлашувчан ва сувда эрувчан шакллари нисбий миқдорига амалий жиҳатдан таъсир кўрсатмайди. 5,01% P_2O_5 қўшимчали АС донлар мустаҳкамлиги 5,18 МПа, 10,06% P_2O_5 қўшимчали – 6,74 МПа га етди. Энг катта мустаҳкамлик 6,94 МПа – 12 %-ли P_2O_5 қўшимчали АС да бўлади.

Азот йўқолишини аниқлашнинг зарурлиги шу билан ифодаланадики, аммофос 90% $NH_4H_2PO_4$ ва 10% $(NH_4)_2HPO_4$ дан ташкил топган. Моноаммонийфосфат нисбатан турғун туз, 190°C да суюқланади. Аммо унинг 170°C да бирламчи аммоний пирофосфати ҳосил қилиш ва битта молекула аммиак йўқолиши билан парчаланиш эҳтимоллиги бор: $2NH_4H_2PO_4 \rightarrow NH_4H_3P_2O_7 + NH_3 + H_2O$.

Диаммонийфосфат термик барқарор эмас. 100°C да бўғ босими 9,1 мм сим.уст. ташкил этади. 150 ва ундан юқори $^\circ\text{C}$ да моноаммонийфосфатга айланган ҳолда аммиак йўқолади: $(NH_4)_2HPO_4 \rightarrow NH_4H_2PO_4 + NH_3$.

Маълумки, АС суюқланмаси ҳарорати 170-180°C ни ташкил этади. Аммиакли азот йўқолиши кўрсатдики, йўқолиш кам бўлса ҳам (0,015 дан 0,075% гача $N_{аммиак}$), аммофос билан селитра суюқланмасида ҳосил бўлган газли фазани абсорбция системасига йўналтиришни назарда тутиш лозим.

5-жадвал

Аммиакли селитра суюқланмаси, аммофос ва Ходжакул фосфорит уни асосида олинган азотфосфорли ўғитларнинг таркиби

АС : Қўшимча оғирлик нисбати	N, %	P_2O_5 умум., %	P_2O_5 ўзл. 0,2М тр.Б, %	P_2O_5 ўзл. 2 %-лим. к-та, %	P_2O_5 сув.эрв. %	P_2O_5 ўзл. P_2O_5 умум 0,2М тр.Б, %	P_2O_5 сув. P_2O_5 общ. 2%-лим. к-та, %	P_2O_5 сув.эр. P_2O_5 умум %	Доналар мустаҳ- камлиги, МПа
Аммофос қўшимчаси билан									
100 :5	33,31	2,33	2,21	2,27	2,00	94,84	97,42	85,83	3,24
100 : 10	32,31	4,24	4,01	4,14	3,64	94,57	97,64	85,85	4,98
100 : 12	31,92	5,01	4,73	4,89	4,30	94,41	97,60	85,83	5,18
100 : 15	31,35	6,07	5,74	5,88	5,22	94,56	96,87	85,99	5,75
100 : 18	30,81	7,10	6,68	6,88	6,08	94,08	96,90	85,63	6,14
100 : 21	30,28	8,09	7,65	7,90	6,94	94,56	97,65	85,78	6,40
100 : 24	29,80	9,01	8,52	8,74	7,72	94,56	97,00	85,68	6,56
100 :27,5	29,24	10,06	9,51	9,82	8,63	94,53	97,61	85,78	6,74
100 : 35	28,01	12,08	11,42	11,78	10,37	94,53	97,51	85,84	6,94
Ходжакул фосфорит уни қўшимчаси билан									
100 : 3	33,45	0,56	0,53	0,48	0,06	85,71	94,64	10,71	3,24
100 : 8	31,69	1,42	1,31	1,19	0,13	83,80	92,25	9,15	5,16
100 : 15	29,85	2,49	2,27	2,05	0,21	82,33	91,16	8,43	6,52
100 : 20	28,46	3,21	2,89	2,60	0,26	81,00	90,03	8,10	7,35
100 : 25	27,56	3,79	3,38	3,02	0,28	79,68	89,18	7,39	8,24
100 : 30	26,40	4,42	3,89	3,48	0,28	78,73	88,01	6,33	8,92
100 : 35	25,44	4,96	4,32	3,82	0,24	77,02	87,09	4,84	10,26
100 : 40	24,48	5,47	4,74	4,16	0,18	76,05	86,65	3,29	11,05

5-жадвалда Ходжакул фосфорит уни (19,05% P_2O_5) ёрдамида фосфатлаштирилган селитра доналар мустаҳкамлиги ва таркиби келтирилган.

Олинган намуналар таҳлили кўрсатдики, 100г АС суюқланмасига 3 дан 40г миқдоргача желвакли фосфорит киритилганда 24,48-33,45% N ва 0,56-5,47% P_2O_5 тутган азотофосфорли ўғитлар олинади. Бунда маҳсулот доналари мустаҳкамлиги 3,24 дан 11,05 МПа гача ўзгаради.

Энг асосийси, 170-180°C да селитра суюқланмаси фосфат минералини фаоллаштиради, яъни ундаги P_2O_5 ва кальцийнинг ўзлашмайдиган шаклини ўзлашадиган шаклга ўтказди. Фаоллаштиришнинг моҳияти фосфат минерали тузилишини бўзиш – унинг кристалл панжарасини парчаламасдан деформациялаш, натижада P_2O_5 нинг ўзлашувчан шакли миқдорини ошириш ҳисобланади. Масалан, киритилаётган қўшимчанинг миқдorigа боғлиқ равишда маҳсулотларда 2 %-ли лимон кислотаси ва 0,2 М трилон Б буйича P_2O_5 нинг ўзлашувчан шакли миқдори 86,65-94,64% ва 76,05-85,71% оралиғида ўзгаради. Бунда кальций ўзлашувчан шаклининг нисбий миқдори 81,79-90,18% гача ортади. P_2O_5 ва СаО нинг ўзлашувчан шакллари





кўрсаткичлари АС даги фосфатли таркибий қисмни самарали фосфорли ўғит деб ҳисоблашга имкон беради.

NH_4NO_3 суюқланмасини кўллаб фосфорит унини фаоллаштиришда сезиларсиз миқдорда CaO (4,44-23,4%) ва P_2O_5 (3,29-10,71%) нинг сувда эрувчан шакллари пайдо бўлади. Бу шуни англатадики, 175°C даги аммоний нитратининг нордон табиати ҳисобига фосфорит унидаги кальций карбонат ва фосфати қисман парчаланиб кальций нитрати ҳосил қилади:



Реакцион массада майда кўпик ҳосил бўлишининг кузатилиши хом ашёнинг карбонатсизланиш жараёнини (5,90-21,25%) англатади. Қорақалпоқнинг қолган марқадаги: Ходжейли (16,48% P_2O_5), Назархан (11,93% P_2O_5) ва Чукай-тукай (6,58% P_2O_5) фосфоритлари учун ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилади. Дастлабки фосфоритда P_2O_5 қанча кам бўлса маҳсулотда унинг миқдори қиймати шунча паст бўлади.

Текширилдики, нитрат-фосфатли суюқланмалар қандай реологик хоссаларга эга бўлади? Кўрсатдики, аммоний нитрати суюқланмасига аммофосни киритиш унинг зичлик ва қовушқоқлигига сезиларли таъсир кўрсатади (1-а ва 1-в расм). 100 оғирлик қисмдаги селитрага нисбатан аммофос қўшимчаси миқдорини 5 дан 35 оғирлик қисмгача ошириш суюқланманинг зичлигини 180°C да 1,439 дан 1,475 г/см^3 гача, яъни 1,03 баробар, шунга мос равишда қовушқоқлигини 5,55 дан 21,04 сПз гача, яъни 3,79 баробар оширади. Ҳароратни 160°C гача пасайтириш суюқланмаларнинг зичлик ва қовушқоқлигининг мос равишда 1,451 дан 1,494 г/см^3 гача ва 7,28 дан 27,46 сПз гача ортишига олиб келади. Аммо ҳар қандай ҳолатда суюқланмалар етарли оқувчанликга эгадир, бу эса уларни сепиш усулида донаторлаш мумкинлигини беради.



1-расм. АС : Аммофос (а, в), АС : ФХ (б, г) оғирлик нисбати ва ҳароратга боғлиқ равишда фосфат-нитратли суюқланмаларнинг зичлик ва қовушқоқлиги.

Ходжакул фосфорит уни қўшимчаси миқдорини 100 оғирлик қисм АС га нисбатан 3 дан 40 гача ошириш 160°C да зичлигини 1,534 дан 1,695 г/см³ гача ва қовушқоқлигини 6,07 дан 11,09 сПз гача ошишга олиб келади (1-б ва 1-г расм). Фосфоритнинг АС суюқланмаси нисбатига боғлиқ бўлмаган равишда ҳароратнинг кўтарилиши суюқланмаларнинг зичлик ва қовушқоқликлари камайишига олиб келади. Энг юқори қовушқоқликга (6,62-17,51 сПз) Назархан, энг паст қовушқоқликга (6,32-10,57 сПз) Чукай-тукай фосфорит асосидаги қўйқа эга бўлади. Бундай қовушқоқликларга эга бўлган суюқланмаларни донадорлаш минорасида осон донадорлаш мумкин.

Шундай қилиб, Қорақалпоқ желвакли фосфоритларини АС нинг термик барқарорлигини таъминлаш, ҳам кўп миқорда ўзлашувчан шаклда P_2O_5 тутган азотфосфорли ўғит олишда истиқболли қўшимча ҳисоблаш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, АС : Агроруда 100 : (5-35) ўрганилган нисбатларда 25,5-32,7% ораликдаги азотга эга макро- ва микроэлементларга эга кремнийли ўғитларни (SiO_2 15% ва 17,5%) намоён қилувчи бентоселитра ёки глаукоселитра олинади. Кремнийли минералларнинг АС доналар мустаҳкамлигини оширишдаги (бентоселитра учун 4,84 дан 12,15 МПа гача ва глаукоселитра учун 5,24 дан 11,79 МПа гача) таъсирини шундай изоҳлаш мумкинки, улар кристалланиш марказлари ҳисобланган ҳолда NH_4NO_3 кристаллари ўлчамини кичирайтиради. Улар суюқланмаларини сепиш усули билан осон доналаштириш мумкин.

Кейинчалик ноорганик қўшимчалар ёрдамида модификацияланган АС баъзи намуналарининг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди.

Доналар ёпишқоқлиги. Доналар ёпишқоқлиги қанча кам бўлса, маҳсулот сочилувчан ҳолатда шунча узоқ сақланади. Тоза NH_4NO_3 доналар ёпишқоқлиги - 5,62 кг/см², магнезит қўшимчали АС ёпишқоқлиги - 4,67 кг/см² ни ташкил этади (6-жадвал). Масалан, АС : МКФ нисбатининг 100 : 3 дан 100 : 50 гача (N 23,22 дан 33,47% гача, 1,67 дан 18,92% гача $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум}}$.) оширилиши селитра доналар ёпишқоқлигини 2,98 дан 2,20 кг/см² гача, яъни 1,9-2,6 баробар камайтиради. АС : ДКФ = 100 : 2,5÷30,2 (26,31-33,60% N, 1,33-11,78% $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум}}$.) да ушбу кўрсаткич 1,94-2,45 кг/см² ва АС : ТКФ = 100 : 2,25÷36 (25,19-33,58% N, 1,05-11,91% $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум}}$.) – 1,85-2,52 кг/см² ни ташкил этади, яъни тоза АС ёпишқоқлигидан мос равишда 2,3-2,9 ва 2,2-3 баробар камдир.

АС ёпишқоқлигини камайтириш борасида энг самарали қўшимча сифатида фосфорит унини ҳисоблаш мумкин. Масалан, Ходжакул фосфорит уни учун АС : ФХ = 100 : 3 да 1,75 кг/см², 100 : 12 – 1,25 кг/см², 100 : 20 – 1,20 кг/см² ва 100 : 35 – 1,14 кг/см² ни ташкил этади, яъни 0,28% MgO қўшимчали саноат АС ёпишқоқлигига солиштирганда мос равишда в 2,7; 3,7; 3,9 ва 4,1 баробар камдир. АС : Аммофос = 100 : 100 : 5÷30 да ушбу қиймат

2,51-2,80 кг/см² ни ташкил этади, бу тоза АС га қараганда 2-2,2 баробар камдир. Доналари кам ёпишқоқликга NH₄NO₃ суюқланмаси ва Қорақалпоқ глауконитли куми асосида олинган маҳсулотлар ҳам эгадир (1,79-2,14 кг/см²). Бу эса ушбу ўғит учун белгиланган сақлаш муддати (6 ой) давомида 100 %-ли сочилувчанликни таъминлайди.

6-жадвал

Ноорганик қўшимчали термик барқарор аммиакли селитранинг таркиби ва хоссалари

АС : Қўшимча оғирлик нисбати	N, %	P ₂ O ₅ умум. %	Ёпишқоқлик, кгс/см ²	Доналар ғовоклиги, %	Доналар чимиши, гр.	Доналар сувда эриш тезлиги, сония
Тоza NH ₄ NO ₃	34,96	-	4,67	22,0	4,82	-
0,28% MgO ли АС	34,60	-	5,62	9,10	4,33	46,8
Монокальцийфосфат қўшимчаси билан						
100 : 3	33,47	1,67	2,98	8,43	2,95	79,6
100 : 22,9	28,25	10,51	2,56	7,58	2,39	103,4
100 : 50	23,22	18,92	2,20	6,88	2,02	186,8
Дикальцийфосфат қўшимчаси билан						
100 : 2,5	33,60	1,33	2,45	8,31	2,93	53
100 : 22,5	28,09	9,32	2,12	7,28	2,35	93,4
100 : 30,2	26,31	11,78	1,94	7,19	2,28	135,2
Трикальцийфосфат қўшимчаси билан						
100 : 2,25	33,58	1,05	2,52	8,38	2,95	52,6
100 : 18,9	28,86	7,09	2,26	7,31	2,42	63
100 : 36	25,19	11,91	1,85	7,12	2,24	65,6
Аммофос қўшимчаси билан						
100: 5	33,31	2,33	2,80	8,68	3,39	54,2
100: 15	31,35	6,07	2,66	8,15	3,10	91
100: 30	29,80	9,01	2,51	7,39	2,96	126,4
Ходжакул кони фосфорит уни қўшимчаси билан						
100 : 3	32,89	0,55	1,75	8,25	2,90	49,5
100 : 12	30,35	2,03	1,25	7,48	2,48	61,9
100 : 20	28,48	3,13	1,20	7,22	2,35	71
100 : 35	25,42	4,9	1,14	7,14	2,11	82,6
Ходжакул кони глауконит куми қўшимчаси билан						
100 : 5	32,25	-	2,14	6,81	2,97	48,8
100 : 20	28,25	-	2,03	4,42	2,52	75
100 : 35	25,21	-	1,79	2,95	2,41	85,2

Доналар ғовоклиги. АС сифатини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири, унинг доналар ғовоклиги ҳисобланади. 6-жадвалдан кўринмоқдаки, АС суюқланмасига турли хил қўшимчаларни қўшиш унинг доналар ғовоклиги ва ички солиштирма юзасини камайтиришга олиб келади. Ғовокли АС да ушбу қиймат 20% ва ундан юқорини ташкил этади, шу вақтнинг ўзида зич донадорли сандарт АС да у 8-10% дан ортмайди. NH₄NO₃ суюқланмасига фосфатли тузларни МКФ кўринишида 1,67 дан 18,92% гача P₂O₅ микдорда қўшиш селитра доналари ғовоклигини 8,43 дан 6,88% гача, ДКФ кўринишида 1,33 дан 11,78% гача P₂O₅ қўшиш 8,31 дан 7,19% гача, ТКФ кўринишида 1,05 дан 11,91% гача P₂O₅ қўшиш 8,38 дан 7,12% гача, аммофос кўринишида 2,33

дан 10,06% гача P_2O_5 кўшиш 8,68 дан 7,39% гача ва фосфорит уни кўринишида 0,55 дан 4,9% гача P_2O_5 кўшиш 8,25 дан 7,14% гача камайтиришга ёрдам беради. АС доналари ғовоклиги камайтириш борасида глауконитли кум ўзининг энг яхши самарасини намоён этди (6,81 дан 2,95% гача). Доналар ғовоклиги қанча кам бўлса, уларнинг суюқ ёқилғига нисбатан чимиш даражаси шунча паст бўлиши лозим.

Доналар томонидан суюқ ёқилғининг чимилиши. АС термик барқарорлиги кўрсаткичи бу доналарнинг суюқ ёқилғини адсорбция қилиш қобилияти ҳисобланади. Қўлланилаётган кўшимчалар тури: МКФ, ДКФ, ТКФ, аммофос, фосфорит уни ва глауконит миқдорига боғлиқ равишда 100г маҳсулотга нисбатан доналар чимиш даражаси мос равишда 2,02-2,95; 2,28-2,93; 2,24-2,95; 2,96-3,39; 2,11-2,90 ва 2,41-2,97г соляр мойи оралиғида ўзгаради. У NH_4NO_3 да 4,82г, 0,28% MgO ли АС эса – 4,33г га тенгдир.

Фосфатлаштирилган селитранинг термик ва электрон-микроскопик тадқиқотлари. Электрон микроскоп суратлари асосида изоҳлаш мумкинки, АС тузилишига моно-, ди- ва трикальцийфосфатлар ижобий таъсир кўрсатади, айниқса трикальцийфосфат қўлланганда АС кристаллари ўлчамлари сезирли кичирайди, тузилишида ғовоклар силлиқланади, юзаси ва қирқимларида анча турғун ва зич тузилиш ҳосил бўлади. Фосфорит уни ва аммофос ҳам АС зич кристалл структурасини шаклланишига таъсир этиш йўли билан АС хоссасига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Майда заррачалар кўринишидаги етарлича тенг тақсимланган бирхил тузилиш кузатилади.

Тоза NH_4NO_3 да III→II; II→I; I→суюқланиш модификацион ўтишлар ҳарорати мос равишда 85; 125; 169°C ни ташкил этади. Фосфатлаштирилган селитра намуналари учун ушбу ўтишлар: АС : ФМ = 100 : 35 учун 91,4; 130,7; 169,3°C; АС : ДКФ = 100 : 22,5 – 91,6; 129,1; 168,4°C; АС : МКФ = 100 : 22,9 – 96,2; 129,6; 157,2°C; АС : ТКФ = 100 : 18,9 – 88,6; 129,4; 163,9°C ва АС : Аммофос : 100 : 30 – 91,2; 127,7; 151,0°C ларда содир бўлади. Фосфатли тузлар кўшимчалари иштирокида АС нинг кристалланиш ҳароратининг пасайишини шундай изоҳлаш мумкин, улар кристалланиш марказлари ҳисобланган ҳолда суюқланманинг қотиш жараёнини енгиллаштиради.

Совитишда тоза NH_4NO_3 нинг ҳар бир модификацияси I (169,6 - 125,2°C), II (125,2 - 84,2°C), III (84,2 - 32,3°C), IV [32,3 - (-17°C)], V [(-17) - (-50°C)] ҳароратлар соҳасида мавжуд бўлади ва битта модификациядан бошқасига ўтиш кристалл тузилиши ва унинг кристалл панжараси ҳажмининг ўзгариши билан кузатилади. Фосфат кўшимчали селитрада эса суюқланма→I; I→II и II→IV ўзгаришлар кетади. Агарда, тоза NH_4NO_3 учун II→III ва III→IV ўтиш ҳарорати 48 ва 30°C ни ташкил этса, фосфатлаштирилган селитра намуналари ушбу ўтишлар бўлмайди, II→IV тўғридан-тўғри ўтиш АС : ФС = 100 : 20 учун 43,5°C да, АС : ДКФ = 100 : 22,5 учун 44,8°C да, АС : МКФ = 100 : 22,9 учун 45°C да, АС : ТКФ = 100 : 18,9 учун 44,7°C да ва АС : Аммофос = 100 : 30 учун 43,5°C да бўлади. Яъни ромбик, бипирамидал модификациянинг (IV) ромбик, моноклинни (III) четлаб ўтган ҳолда бевосита тетрагоналга (II) ўтиши орқали II→IV

турғунлиги таъминланади. Бу ўз навбатида кристалл панжараси кам деформацияланишига, демак маҳсулот доналарининг сферик шакли барқарорлиги, мустаҳкамлиги ошиши ва ёпишқоқлигини камайишига олиб келади.

